

QISHLOQ HAYOTI

№ 4 (9115)-son

Ўзбекистон
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛИ ВА ТИЗИМЛИ ИШЛАШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 27 январь кун ишлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 30 ёшга бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу – аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этади. Замон талабларини илғаш ва амалга ошириш, соҳа ва тармоқларни олға бошлашда бу жуда катта таянч, бебаҳо хазинадир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форуми ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни илғари сурган эди. 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили, деб эълон қилинди.

Йиғилишда форум ва Мурожаатномада айtilган тақлифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янги таъминоти жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

– Ёшлар бўйича мутасаддилар, ҳокимларнинг ёшлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бўлими раҳбари ўринбосарлари бор. Пастда тизим яратилган. Лекин, минг афсус, биз кутган натижа бўлмагани учун мана шундай тизим қиялмиш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси – ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Боёвутда ИЭС қурилиши бошланди

Боёвут туманининг Ширин шаҳрига чегарадош ҳудудия янги Сирдарё иссиқлик электр станцияси қурилишига старт берилди. Шу муносабат билан бу ерда катта тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Энергетика, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари масъуллари, шунингдек, ИЭС қурилишига йирик инвестиция киритаётган Саудия Арабистонининг машҳур “ACWA POWER” компанияси вакиллари иштирок этди. Компания бошқаруви раиси Муҳаммад Абдунайн буг билан ишлайдиган янги ИЭСнинг табиий газни кескин тежаш, арзон ва узлуксиз электр энергияси етказиб беришдаги бир қатор афзалликлари ҳақида қатнашчиларга маълумот берди.

Таъкидлаш жоизки, янги ИЭС қурилишини молиялаштираётган, электр энергияси ва чуқур сув ишлаб чиқариш замонвий ускуналарини ишлаб чиқарадиган “ACWA POWER” компанияси дунёдаги йирик компаниялардан биридир. 2004 йилда Саудия Арабистонининг AP Ривд шаҳрида ташкил этилган мазкур компаниянинг 3500 нафар ходими бор. Компания Яқин Шарқ, Африка, Марказий ва Жанубий Осиёдаги 12 та мамлакатда электр энергияси ва чуқур сув ишлаб чиқариш лойиҳаларини рўёбга чиқариш, уларни молиялаштириш бўйича яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Унинг портфелидаги инвестиция қиймати 61,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Энг характерли жиҳати, паст даражали углеводород чиқинди ресурсларидан олинган буг ҳисобига ишлайдиган янги ИЭСда табиий газ икки баравар тежалади. Буни компаниянинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги “Баш” ҳамда “Жонкелди” шамол электр станциялари тармоқларида чуқур ишлаб чиқариш лойиҳаларини рўёбга чиқариш, уларни молиялаштириш бўйича яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Унинг портфелидаги инвестиция қиймати 61,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Энг характерли жиҳати, паст даражали углеводород чиқинди ресурсларидан олинган буг ҳисобига ишлайдиган янги ИЭСда табиий газ икки баравар тежалади. Буни компаниянинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги “Баш” ҳамда “Жонкелди” шамол электр станциялари тармоқларида чуқур ишлаб чиқариш лойиҳаларини рўёбга чиқариш, уларни молиялаштириш бўйича яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Унинг портфелидаги инвестиция қиймати 61,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Энг характерли жиҳати, паст даражали углеводород чиқинди ресурсларидан олинган буг ҳисобига ишлайдиган янги ИЭСда табиий газ икки баравар тежалади. Буни компаниянинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги “Баш” ҳамда “Жонкелди” шамол электр станциялари тармоқларида чуқур ишлаб чиқариш лойиҳаларини рўёбга чиқариш, уларни молиялаштириш бўйича яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Унинг портфелидаги инвестиция қиймати 61,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Буг билан ишлайдиган ИЭС қурилишига компания 1,2 миллиард доллар сармоя йўналтирляпти. Лойиҳа ишларини амалга ошириш, пудрат-қурилиш ишларида ўзбекистонлик соҳа мутахассисларидан ташқари, Хитой ва Туркия давлатлари қурувчи-муҳандислари ҳам фаол иштирок этади. Айни вақтда янги ИЭСда қурилиш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

“Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали томонидан аҳолига табиий газ етказиб бериш мақсадида Термиз шаҳар “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида табиий газ қувурлари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Барча хонадонлар табиий газ билан таъминланади

Корхона томонидан худудда жойлашган жами 260 та уй-жойга табиий газ қувурлари ўрнатилиши белгиланган. Шу кунга қадар 148 та хонадонга газ қувури тортилиб, шулардан 7 та хонадонга газ ҳисоблаш мосламаси ҳам ўрнатилди. Яна 30 хонадон бу жараёнга тайёр.

Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎЗА)
олган сурат.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманганда лавандазорлар ташкил этилади

Наманган вилояти ҳоқими Шавкатжон Абдуразақов 2018 йили Туркия давлатига сафари чоғида атиргуллар ва лавандалар ўлкаси сифатида ном таратган Испартада ҳам бўлганди.

Лавандани Наманганда етиштириш, қайта ишлаш, экспортни йўлга қўйиш режасини дилига тугиб, ён дафтарига қўйидаги маълумотларни ёзиб қўйганди: “Лаванда Ўзбекистон шароити учун қулай ўсимлик. Тиббиёт ва парфюмерияда суви, гули, мойидан кенг қўлланилади. Бир килограмми жаҳон бозорига 8-9 минг доллар туради. Ҳар гектари ҳисобига 70-80 килограммдан ошириб мой олиш мумкин. У қўл сув, парвариш талаб қилмайди...”

Яхши ният ярим давлат, дея

бежиз айтилмаган. Яқинда, томчилатиб суғориш ва агротехнологиялар бўйича 35 йиллик тажрибага эга, АҚШ, Туркия ва Ҳиндистонда филиаллари бўлган Исроилнинг дунёдаги етакчи компанияси DRTS-nинг (Drip Research Technology Solutions) минтақавий вакили Сулаймон Хартави ўғли вилоятга ташриф буюрди.

Вилоят ҳоқими ва компаниянинг минтақавий вакили ўртасидаги суҳбат қизгин кечди. Наманганда лавандазор ташкил этиш борасидаги тақлиф иккала томондан

ҳам қўллаб-қувватланди. Бунинг учун барча шароитлар яратилган “Косонсой фарм” эркин иқтисодий зона ҳудуди танлаб олинди.

– Вилоятда лавандазорларни ташкил этиш, нафақат экспорт ҳажми ва турини оширади, янги иш ўринларини яратади, қолаверса, гуллар шаҳри Наманганда агротуризм учун истиқболли йўналишларни очиб беради. Унинг таровати ва ифори сайёҳларни оҳанрабодек тортади, – дейди вилоят ҳоқими.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

КОИСА билан ҳамкорлик:

касб-хунарга ўқитиш марказидан корхона ва ташкилотларга

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 майдаги “Корея Республикаси ҳукуматининг грантини жалб қилган ҳолда Самарқанд шаҳрида касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2016 йилнинг октябрь ойида Самарқандда касб-хунарга ўқитиш маркази фаолияти йўлга қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигида “Ўзбекистонда касб таълими имкониятларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган марказда туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан йўлланма асосида юборилган ишчи ёшлар замонвий касбларга қайта ўқитилади.

– Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан марказда ишчиларни ва вақтинча банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан, касб-хунарга коллежларини ва академик лицейларни битирган доимий иш ўрнига эга бўлмаган шахсларни ахборот технологиялари, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш,

электроника ва асбобсозлик, пайвандлаш ва чилангарлик ишлари, компьютер графикаси ва мультимедиа тизимлари, машинасозлик йўналишлари бўйича касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалга оширилиши белгиланган, – дейди Самарқанд касб-хунарга ўқитиш маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Исмоил Эргашев. – Шу пайтгача 2000 нафарга яқин ёшлар мазкур йўналишлар бўйича касб-хунарга ўрганиб, айни пайтда, хорижда ва юртимизнинг турли худудларидаги корхона, ташкилотларда меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, марказда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 20 дан ортқ касб ва мутахассисликлар бўйича бир ойдан икки ойгача бўлган қисқа муддатли пулли ўқув курслари ҳам ташкил этилган.

Бу курсларда корхона ва ташкилотлар буюртма асосида ёки фуқароларнинг ўзлари ихтиёрий келиб касб-хунарга ўрганишлари мумкин.

Марказда энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, ускуна ва дастгоҳлар, ўқув қуроллари Корея Республикасидан олиб келиб ўрнатилган.

Ўқув марказининг ўзига хослиги шундан иборатки, марказ йўналишлар бўйича Ўзбекистон Давлат таълим стандартлари талаблари асосида жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда бутунлай янги ўқув режалари, дастурлари тайёрланган ва амалга оширилмоқда.

Бунинг учун Кореянинг КОИСА ташкилоти томонидан Корея Республикасининг етакчи университетларидан профессор-ўқитувчилар, мутахассислар жалб

этилган. Улар марказ учун ўқитувчилар танловини ўтказишди. Танловдан ўтган ўқитувчилар билан ҳар бир мутахассислик бўйича ўқув режалари, фанлар дастурларини тайёрлашди. Танланган ўқитувчилар икки ой давомида Корея таълим ва технологиялар университетида малака ошириб келди. Кореялик профессорлар ва бизнинг ўқитувчилар томонидан биргалликда ҳар бир мутахассислик бўйича дарсликлар тайёрланди ҳамда чоп этилди. Ўқув режага асосан ўқш мuddати 8 ой қилиб белгиланган, бундан олти ойи марказда амалий машғулотлар ўтказилади, икки ой ишлаб чиқариш корхонасида амалиёт ўтилади. Барча дарслар амалий тарзда ўтказилиб, назарий маълумотлар шу машғулотларнинг ўзида амалиёт билан биргалликда бериб борилади.

– Ўтган йил мактабни битиргач, касб-хунарга ўрганиш мақсадида шу марказда ўқишга қарор қилдим, – дейди Жиззах вилояти Дўстлик туманида яшовчи Ибрагим Дилмуродов. – Белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, тўрт ойдан буён компьютер графикаси ва мультимедиа тизимлари техниги мутахассислиги бўйича ўқияман. Қисқа вақтда анча нарса ўрганиб олдим. Келгусида шу йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятидаман.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ОНЛАЙН-САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин олий даражада илгари эришилган келишувларга мувофиқ 28 январь кун видеонавбаста шаклида учрашуу ўтказилди.

Музокаралар кун тартибидан икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини, минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги шериклигини ривожлантиришга доир долзарб масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон ва Корея етакчилари сиёсий мулоқотнинг бугунги ҳолати ва уни мустақамлаш истиқболларини, савдо, инвестициялар, инновациялар, sanoat ва энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий алмашинув соҳаларида аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалаларини таҳлил қиладилар.

Бўлажак мулоқотлар ва қўша тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилади.

Саммит якунида рақамли технологиялар, лойиҳалаштириш фаолияти, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда янги ташаббусларни илгари суриш кўзда тутилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Депутатлар 2020 йил давлат дастурининг ижросини кўриб чиқдилар

2021 йил 27 январь кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 2020 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Халқ вакиллари таъкидлаганидек, коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнларини сусайтирди, аввалдан тузилган қатор истиқболли режаларни ўзгартиришга мажбур қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг жиддий йўқотишларсиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса, ўз навбатида, пандемия оқибатларини юмшатиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга имкон яратди.

Оғир кечган ўтган йилги ҳисобот даврида депутатлар ҳам пандемия шароитида юзага келган вазиятни ўнгиришга қаратилган чора-тадбирларнинг жойларда ижро этилишига кўмаклашиш мақсадида ўз фаолиятларини бир кун ҳам тўхтатмай, худудларда мунтазам бўлиб, мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда уларни жойида ҳал қилиш чораларини кўрдилар.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

этилган. Улар марказ учун ўқитувчилар танловини ўтказишди. Танловдан ўтган ўқитувчилар билан ҳар бир мутахассислик бўйича ўқув режалари, фанлар дастурларини тайёрлашди. Танланган ўқитувчилар икки ой давомида Корея таълим ва технологиялар университетида малака ошириб келди. Кореялик профессорлар ва бизнинг ўқитувчилар томонидан биргалликда ҳар бир мутахассислик бўйича дарсликлар тайёрланди ҳамда чоп этилди. Ўқув режага асосан ўқш мuddати 8 ой қилиб белгиланган, бундан олти ойи марказда амалий машғулотлар ўтказилади, икки ой ишлаб чиқариш корхонасида амалиёт ўтилади. Барча дарслар амалий тарзда ўтказилиб, назарий маълумотлар шу машғулотларнинг ўзида амалиёт билан биргалликда бериб борилади.

– Ўтган йил мактабни битиргач, касб-хунарга ўрганиш мақсадида шу марказда ўқишга қарор қилдим, – дейди Жиззах вилояти Дўстлик туманида яшовчи Ибрагим Дилмуродов. – Белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, тўрт ойдан буён компьютер графикаси ва мультимедиа тизимлари техниги мутахассислиги бўйича ўқияман. Қисқа вақтда анча нарса ўрганиб олдим. Келгусида шу йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятидаман.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

Болалар боғчаси ва мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилган.

Ноқонуний иш келтирди ташвиш

ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ВА ТИЗИМЛИ ИШЛАШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди. Шу борадаги масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи жойларда ўғил-қизларнинг тақлифларини “маҳаллабай” ўрганмоқда. Бу ўрганишлар ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратишда ҳалигача кўплаб камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам кўплаб муаммолар бор. Ақсарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техник базаси қониқарсиз, тўғарақлар номига ишлаяпти.

Ийғилишда бу муаммоларни манзилли ҳал этиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимидаги устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ, ҳокимнинг иқтисодиёт, инвестициялар ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича ўринбосарлари – бандлик масалаларига; солиқ идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари – ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга;

ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга;

туман прокурори, ички ишлар ва мудофаа бўлими бошлиқлари – уюшмаган ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликни жилавлан, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга масъул бўлади.

Жорий йилда 500 минг нафар ёшни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш зарурлиги таъкидланди. Туман ва шаҳарларда анъанавий ёки масофавий ўқув курсларини кўпайтириш, ишсиз ёшларни ушбу тизим орқали касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиб, бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

– Бир миллион сўм берсак ҳам, 10 миллион берсак ҳам, фақат ўқитиш керак. Бутун дунёда аввал ўқитмасдан пул бермайди, – дея таъкидлади давлат раҳбари.

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунар коллежларини асбоб-ускуна билан таъминлаш, касб стандартларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчилар малакасини ошириш вазифалари белгиланди. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкининг 93 миллион доллар кредитини жалб этиш мўлжалланган.

“Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ўғил-қизларни тадбиркорларга бириктириб, уларда бизнес кўникмаларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш, ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашиш зарурлиги айtilди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жойларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

КОИСА билан ҳамкорлик: касб-хунарга ўқитиш марказидан корхона ва ташкилотларга

(Боши 1-саҳифада)

Марказни тамолаган битирувчилар ўз иш жойларига эга бўлишлари учун асосий мезон бу битирувчилар малакаларининг корхоналар талабларига жавоб бера олишидир. Ушбу талабларни яқиндан билиш, уларни ўқув жараёнида доимий равишда ҳисобга олиш учун корхона ва муассасалар билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ҳозирда Самарқанд автомобил заводиди, “MAN-Auto Uzbekistan”, “UzautoTrailer”, “EL-XOLDING”, “Avtotexizmat”, “Стеклопластик”, “UrGaz”, “SET”, “Temir metal”, “Ferre” каби ийрик корхоналар, вилоятдаги олий ўқув ортлари, умуман, юзга яқин ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатган.

– Марказ ташкил этилгандан буён ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз, – дейди Самарқанд шаҳридаги “EL-XOLDING” компанияси вакили Ж. Муҳаммадиев. – Талабалар корхонамизда амалиёт ўтайди ва бу жараёнда фаолиятимиз тўғрисида ташунчага эга бўлади. Ўз касбини пухта ағаллаган, корхонамизда ишлаш истагида бўлган битирувчиларни ишга қабул қиламиз. Электроника ва асбоб-созлик, пайвандлаш ва чилангарлик ишлари, компьютер графикаси бўйича яхши мутахассислар бор. Улар бизда ҳам қисқа вақтда ўз муносиб ўрнини топапти.

Бундан ташқари, Корея таълим ва технологиялар, Keimyung College, Aujo motor College, Vuscheon ва Vusok университетлари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ана шу ҳамкорлик маъсули Улароқ марказ бугунги кунда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Кореянинг Keimyung College университети билан 1,1 миллион АҚШ долларини миқдоридан

даги давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида COVID-19 га қарши курашиш, яъни химия воситалари сотиб олиш ва дезинфекция мақсадлари учун 2,5 минг, Keimyung College университети томонидан эса Самарқанд шаҳар “Саховат ва кўмак” жамғармасига 2 минг АҚШ доллари, Самарқанд шаҳридаги 54-умумий ўрта таълим мактабига 4 миллион корейс вонини миқдоридан ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, KOICA томонидан марказга онлайн ўқитиш платформасини ишлаб чиқиш учун 50 минг АҚШ доллари миқдоридан грант маблағлари ажратилди.

Мазкур грант доирасида Самарқанд ва Шаҳрисабз касб-хунарга ўқитиш марказлари ўқувчилари ўртасида “Зеҳн билан COVID-19 ни енгамиз” мавзусида видеоролик ва постерлар мусобақаси ўтказилиб, голиблар 1 миллион сўмдан 2 миллион сўмгача бўлган пул мукофотлари билан тақдирланди. Умуман, юртимизда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан ташкил этилган касб-хунарга ўқитиш марказлари тингловчилари ўртасида касблар бўйича мунтазам мусобақа ва танловлар ўтказиб турилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, KOICA, Keimyung College университети ва Самарқанд касб-хунарга ўқитиш маркази ҳамкорлигида 2019-2022 йилларда “KOICA PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP PROJECT” Самарқанд касб-хунарга ўқитиш марказининг таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали Самарқанд вилоятда ишчилар малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришни кучайтириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа учун KOICA 900

минг доллар, Кеимюнг коллеж университети 300 минг доллар миқдоридан грант маблағларини ажратган. Ушбу маблағлар ҳисобидан Самарқанд касб-хунарга ўқитиш марказида машинасозлик технологияси, компьютер дизайнери йўналишлари ва “Самарқанд стартап инкубатор” маркази ташкил этилди. Ушбу марказ ёшларга тадбиркорлик бўйича сабоқ бермоқда.

– Ўтган йил декабрь ойида марказни битирдим, – дейди Зафар Сиддиқов. – Ўқим даврида стартап инкубатор марказида ўз бизнес лойиҳам билан қатнашдим. Сайтлар яратиш ва дизайнерлик хизматлари кўрсатиш бўйича лойиҳамни амалга ошириш учун ҳозирда ушбу марказнинг мавзусида сифатида изланиш олиб борапман. Бунинг учун зарур шарт-шароит яратиб берилган.

Марказнинг талабалари пандемия шароитида машғулотларда онлайн қатнашди. Амалий машғулотлар эса марказнинг ҳамкор ташкилотларида амалга оширилди. Ҳар бир дарс жараёни, тингловчиларнинг назарий ва амалий машғулотлардаги иштироки доимий эътиборда бўлди ва белгиланган ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирди.

Бугунги кунда яна 300 нафарга яқин талаба таҳсил олмақда. Бу ёшлар келажақда аниқ иш ўринларига эга бўлиши учун бандликка кўмаклашиш маркази, корхона ҳамда касб-хунарга ўқитиш маркази билан тўрт томонлама шартномалар имзоланган. Ўқувчилар марказда олти ой давомида таҳсил олгандан кейин тузилган шартномага асосан икки ой давомида корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди. Бу даврда улар шу корхонага мослашиши ва келажақда ишлаб қолишлари учун замин яратилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

гараклар ташкил этиш, ёшларни аждоқларимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан таништириш, улар ўртасида ички туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб, спорт билан шуғулланувчи аҳоли сонини 25 фоизга, ёшлар қамровини 20 фоизга етказиш мақсад қилинган. Болалар боғчаси ва мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилган.

Мутасадди вазирликларга мактабларда 20 мингта спорт тўғарагини ташкил этиш, спорт федерацияларини, халқаро муسابоқалар голибларини мактабларга бириктириб, ёшларни профессионал спортга жалб қилиш юзасидан вазифалар қўйилди. Ҳозирги ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқиши юқори. Ўтган йили IT-паркнинг 5 та филиали ва Рақамли технологиялар ўқув марказларида 10 мингдан ортиқ ёшлар сабоқ олган.

Бу қамровни кенгайтириш мақсадида ҳар бир туманда камида биттадан мактабда IT-тўғараги очилди, яна 100 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, 20 минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Ийғилишда ёшларнинг ижтимоий масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 129 та олий ўқув юртида 500 мингдан ортиқ талаба ўқийётгани, лекин улар ётоқхона билан етарлича таъминланмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга талабалар уйлари кўпайтириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон учун 100 гога” лойиҳасини илгари сурди. Лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги ташаббускор ёшларнинг иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳалардаги гоғларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилади.

Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят ва туман ходимлари оилка маошини ошириш бўйича ҳам тақлиф билдирилди.

Бундан буён вилоят, шаҳар ва туман сектор раҳбарлари маҳаллий матбуот ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг муаммо ва масалалари юзасидан қилган ишлари тўғрисида аҳолига ҳисобот бериш боғлиқланди. Ёшлар бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатган тадбиркорлар, ташкилотчи ва раҳбарлар рағбатлантирилиши таъкидланди.

Ийғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Ҳайдов трактори гумдон қилинди

“Ўзагролизинг” АЖ Жиззах вилояти филиали собиқ ҳуқуқшуноси Қажрамон Бекмуродов фуқаро Қиличбой Номозов билан филиалга тегишли техникларни ноқонуний йўллар билан сотиб, бойлик орттиришни кўзлайди.

Улар бир дон “New Holland T7060” русумли ҳайдов тракторини лизинг шартномасига асосан фуқаро Қиличбек Номозов норасмий раҳбарлик қилиб келаётган Зарбдор туманидаги “Фидокор Абдувосит” фермер ҳўжалигига ўтказди. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида “Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингуна қадар лизинг берувчига тегишлидир” деб белгилаб қўйилган. Бироқ иккала олғир ҳайдов тракторини Навоий вилояти Қизилтепа туманида яшовчи фуқаро Санакул Сайфиевга 434 миллион сўм нақд пулга сотиб юборди. Олинган пул маблағларини ўзаро бўлишиб олади. Ўзларининг жиноятларини ниқоблаш мақсадида турли ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан лизинг тўловларидан бўлган 224 миллион 745 минг 354 сўм қарздорликни қоплаган бўлсада, “Ўзагролизинг” АЖ Жиззах вилояти филиали олдидан мuddати ўтган 198 миллион 87 минг 885 сўм қарздорлик қопланмасдан қолади. Мазкур ҳолат юзасидан “Фидокор Абдувосит” фермер ҳўжалиги норасмий раҳбари Қ.Номозов ҳамда “Ўзагролизинг” АЖ Жиззах вилояти филиали собиқ ҳуқуқшуноси Қ.Бекмуродовларга нисбатан жиноят иш қўзғатилди. Ҳозирда жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари вилоят прокуратураси томонидан олиб борилмоқда.

Миржалол АҲМЕДОВ,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим прокурори.

Депутатлар 2020 йил давлат дастурининг ижросини кўриб чиқдилар

(Боши 1-саҳифада)

Парламентга Хукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтириб ўтилганидек, коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида 2020 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2019 йилга нисбатан 101,6 фоизни, шундан, саноат – 100,7, хизматлар – 102,3, қишлоқ, ўрмон ва балқичлик ҳўжалиги – 103,0 фоизни ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 9,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар, шу жумладан, 7,0 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг 2,8 миллиард доллар маблағлари ўзлаштирилган.

2020 йилда ялпи экспорт ҳажми 15,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимиз ҳудудларида 2,7 мингга яқин янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилинган, 210 та янги турдаги маҳсулотлар ҳамда айрим товар позициялари бўйича 40 та янги давлатнинг бозорларига чиқишга эришилган.

Ҳисоботда Давлат дастури ижросини таъминлашда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига устуворлик берилгани қайд этилди. Хусусан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, даромадларини ошириш, фан ва улуқсиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, хотин-қизлар, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, туризм соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар рўёбга чиқарилган.

Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида 2020 йилда республика бўйича жами 378,1 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва вақтинча тўхтатилган иш ўринларини тиклаш мақсадида имтиёз ва преференциялар берилган. Натижада ўтган йилда 66 мингта янги юридик мақомга эга бўлган кичик бизнес субъектида 168,9 мингта янги иш ўрни яратилган.

2020 йилги Давлат дастурида 284 та банд белгиланган бўлиб, шундан 206 та банд тўлиқ бажарилган, 20 та банднинг мuddати белгиланган тартибда узайтирилган, 58 та банднинг ижроси юзасидан тегишли ҳўжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Хукумат томонидан тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган рақам, кўрсаткич ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофича кўриб чиқилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг аввалроқ бўлиб ўтган йилги ишларида Давлат дастурида белгиланган муҳим ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазифалар, чора-тадбирларнинг ижроси ҳолати жонли, қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Давлат дастурининг ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва тақлифларини илгари сурди. Парламент аъзолари амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, пандемия шароитида юзага келган объектив сабаблар туфайли Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифалар ижроси ҳозирда таъминланмаганини қайд этилди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари Давлат дастуридаги иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишди. 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг минимал базавий суммаси 50 фоизгача камайtirилган, тадбиркорларнинг мурожаатлари асосида ўтган йилда пандемия оқибатида фаолияти зарар қўрган 3 442 та кичик бизнес субъектига 147 миллиард сўмдан зиёд солиқларини тўлаш мuddати кечиктирилгани ижобий баҳоланди.

Ҳисобот даврида тадбиркорлик субъектларининг улуқсиз ишлашига шароит яратиш, айланма маблағларини кўпайтириш мақсадида 5,8 мингта субъектга 9 триллион сўм қўшилган қиймат солиғидан салбий фарқ суммалари бюджетдан қоплаб берилгани, карантин даврида тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 26,5 триллион сўмлик кредитлар бўйича тўловларининг мuddатлари 2020 йил 1 октябрга қадар

узайтирилгани эътироф этилди.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишида муаммолар борлиги, инвесторлар ҳўжатларни расмийлаштиришда тўсиқларга дуч келаётгани, бу эса тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш борасида зарур чоралар қуришни тақозо этишини таъкидлади.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси вакиллари коронавирус пандемияси билан боғлиқ юзага келган мураккаб вазиятга қарамай, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилганини эътироф этилди. Хусусан, маданият соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 500 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказилгани халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, маънавий ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор зарурлигини таъкидлаган ҳолда бугунги кунда катта тарғибот қуролига айланган кино санъатини ривожлантириш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўла бажарилмагани фракция аъзоларининг эътирозига сабаб бўлди. Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг фикрича, 2020 йил бутун дунё ҳамжамияти учун синовили йил бўлишига қарамастан, Давлат дастуридаги халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотларга оид бандларнинг ўз вақтида бажарилиши ижобий ҳолат.

Аммо бу каби ижобий ҳолатлар билан бирга, 2020 йилги Давлат дастурининг айрим бандлари ўз вақтида бажарилмай қолганига эътибор қаратдилар. Фракция аъзоларининг таъкидлашча, бугунги кунда мамлакатимизда камбағаллик борасида аниқ рақамлар эълон қилинган, шундай экан, фуқароларимизни камбағалликдан чиқаришнинг Давлат дастурида назарда тутилган аниқ механизмлари ишлаб чиқиши лозим.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Хукумат томонидан ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишидаги ишларга тўхталиб, пандемия даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакат миқёсида тизимли ислохотлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этишди. Хусусан, “темир дафтар” жорий этилгани кам даромадли, вақтинча ишсиз фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётгани, уларни ишга жойлаштириш, доимий даромад манбаларини яратиш бўйича кенг қамровли чоралар қўрилаётгани реал самара бераётганига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Давлат дастурида белгиланган айрим меъёрий ҳўжатларни ишлаб чиқиш мuddати кечиккани, хусусан, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси ишлаб чиқилмагани кўрсатиб ўтилди. Ушбу ҳўжат қабул қилиниши ижтимоий нафақа тўлашининг мукамал тизимини жорий этиш, кам даромадли оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш ҳамда нафақа тайинлашда очик ва адолатли тизимини яратиш имконини бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари 2020 йилги Давлат дастури доирасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш йўналишларидаги ишлар пандемия туфайли жорий этилган карантинга қарамастан, ўз вақтида амалга оширилганини эътироф этилди. Биргина аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 73 фоизга етгани бунга яққол мисол сифатида келтириб ўтилди.

Ўз навбатида, фракция вакиллари тоза ичимлик сувига бўлган эътиҳордан келиб чиқиб, тоза ичимлик суви етиб бормаган чекка ҳудудларда сув таъминотини йўлга қўйиш чораларини кўриш, бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ролинини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Қизғин, амалий ва талабчанлик руҳида кечган савол-жавоблардан сўнг, депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқулладилар ҳамда тегишли қарорни қабул қилдилар.

ЎЗА

Мўл ҳосил олай, десангиз...

➤ **Реклама**

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS

Тs 00203068-81:2020 (Код ТН ВЭД 310 510 0000)

Таркибида азот, фосфор, калий ва олтингургурт каби асосий озик моддалар мавжуд бўлган ушбу ўғит физикавий ва кимёвий хоссалари бўйича жадвалда кўрсатилган талаб ва меъёрларга мувофиқ бўлиши керак:

Кўрсаткич номи	Меъёр
Ташқи кўриниши	Оқ рангдан қуранггача бўлган кукун ёки майда кристаллар
Аммоний азот масса улуши (N – NH ₄ ⁺), %, кам эмас	17
Фосфатларнинг P ₂ O ₅ , %, га қайта ҳисобланганда масса улуши, кам эмас	11
K ₂ O, %,нинг масса улуши кам эмас	9
Сульфат ионларининг масса улуши а (SO ₄ ²⁻), %, кам эмас	40
ёки олтингургурга қайта ҳисобланганда, % кам эмас	13
Намлигининг масса улуши, %, кўп эмас	1

Миқдори ва қўллаш муддати:

NPKS ўсимликларнинг дастлабки босқичларида ва ўсимлик уруғларининг униб чиқишида бир литр сугориш сувида 0,75-1 г миқдорда ишлатилади. Ҳар бир сугоришда қўллаш тавсия этилади.

Илдиздан ташқари қўшимча озиклантириш:

гектарида 3-5 кг. миқдорда ишлатилади.

Баҳорда ўғитни тупроққа солиш учун тупроқнинг қизишини кутиш керак. Минтақага боғлиқ ҳолда тупроққа солиш даври апрел ёки май ойларида, айрим жойларда эса март ойининг ўрталаридан бошланади. Биринчи ишлов бериш қазилар билан бир вақтда ўтказилади. Миқдор экилган экинлар турини ҳисобга олган ҳолда танланади. Кўчатларни кўчириб ўтказишда чуқурчаларга

олдиндан 2-4 г ўғит солиниб, тупроқ билан аралаштирилади.

Эслатма: ушбу тавсиялар умумий қўлланма сифатида ишлатилади. Ҳар доим режалаштирилган ҳосил ҳамда маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитларига мослаштириб бординг!

Ташиш: NPKS ўғитлари транспортнинг барча турларида, ҳар бир транспорт турига амал қиладиган юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ ташилади.

Сақлаш: NPKS ўғитларини ёпик, қуруқ ва тоза биналарда сақлаш тавсия этилади – намлик кириб кетишидан ҳимояланган, иситиш мосламалари бўлмаган, болалар ва ҳайвонлар қира олмайди, озик-овқат ва дори-дармонлардан алоҳида. Сақлаш ҳарорати 0° С дан + 30° С гача ва ҳавонинг

нисбий намлиги 75 фоиздан ошмайди. NPKS ўғитини сақлаш ва ташиш бошқа материаллар ва моддалардан алоҳида амалга оширилади.

Хавфсизлик талаблари: NPKS ўғитлари билан ишлаш шахсий ҳимоя чораларига мувофиқ бўлиши керак. Эритмалар тайёрлашда истеъмолчига резина қўлқоп кийиш тавсия этилади. Бошқа моддалар билан аралаштириш қатъиян ман этилади! Агар ўғит терига тегса, у жойни яхшилаб ювиб ташланг! Агар у ошқозонга кирса, калий перманганатнинг бир оз пушти эритмасидан бир неча стакан ичинг, қусиб ташланг. Ишдан кейин юзингизни ва қўлларингизни совун билан ювинг, озгингизни чайинг.

Кафолатланган сақлаш муддати – тайёрланган кундан бошлаб 24 ой.

Ўсимликларга элементларнинг таъсири ва аҳамияти

АЗОТ (N)

Азот – ўсимликларнинг моддалар алмашинувида муҳим ўрин тутадиган модда ҳисобланади, шунингдек, органик азотли бирикмалар, оқсиллар, ферментлар, нуклеин кислоталар, хлорофиллар, алкалоидлар, кўп турдаги витаминлар ва бошқа моддалар таркибига киради.

Ўсимлик жадал ўсиш даврида ҳамда вегетатив аъзолари (шоҳ ва барг) ҳосил бўлиш жараёнида азотни кўп миқдорда қабул қилади ва ўзлаштиради.

Ўсимликларга таъсири. Азот билан таъминланганлик ўсиш жараёни, ўсимликдаги оқсил ва бошқа азотли органик бирикмалар синтезининг ҳажми ва интенсивлигини белгилайди. Азот етишмовчилиги айниқса, вегетатив аъзоларнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Фотосинтезловчи аппарат барг ва шоҳнинг азот етишмовчилиги натижасида кучсиз ривожланиши, ўз навбатида, ҳосил берувчи органларнинг шаклланишини чеклайди ва ҳосилдорликнинг пасайиши ва маҳсулотдаги оқсилнинг камайишига олиб келади.

Азот танқислиги. Асосий белгилари: хлорофилнинг ҳосил бўлишидаги бузилишлар натижасида вегетатив аъзоларнинг ўсиши сустлашиши ва оч яшил ёки сарғиш-яшил барглarning ҳосил бўлиши.

Азот кўплиги. Азот билан ортқича таъминланиш вегетатив массанинг ортқича кетишига, ҳосилнинг камайиши ва сифатининг ёмонлашишига олиб келади. Қанд лавлагининг таркибига шаклланган азотнинг пасайишига олиб келади, шакар олиш жараёнида "зарарли" нооқсил азотнинг кўпайишига, картошкадаги крахмалнинг камайишига, сабзавот ва полиз экинларида инсон ва ҳайвонлар учун зарарли нитратларнинг йиғилишига олиб келади.

ФОСФОР (P)

Ўсимликларга таъсири. Фосфорнинг органик бирикмалари орасида мураккаб, кўп молекулали, азотли асослардан ташкил топган, углеводлар (рибоза ва дезоксирибоза) ва фосфорли кислотадан иборат нуклеин кислоталар мавжуд бўлиб, ўсимликлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Фосфор оқсил-липидли хужайралар ҳосил қилувчи ҳамда турли моддалар сингизишни назорат қилувчи фосфатидлар (фосфолипидлар) таркибига киради. Ўсимликдаги фосфорнинг кўп қисми фитин, ундан ташқари витамин ва турли ферментлар таркибига бўлади.

Фосфор ўсимликдаги қувват алмашинуви ва бошқа турли модда алмашинуви жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. У углевод ва азот алмашинувида, фотосинтез, нафас олиш ҳамда органик моддаларнинг ферментларга бўлиниш жараёнида иштирок этади.

Фосфор танқислиги. Ўсимликлар ёш даврида, яъни уларнинг илдиз тизими етарли даражада ривожланмасдан, кам ўзлаштириш хусусиятига эга даврида фосфор танқислигини сезади. Ушбу даврдаги танқисликнинг салбий таъсири, кейинчалик кўп миқдорда фосфор билан озиклантириш жараёнида ҳам тўғирланмайдиган вазиятни келтириб чиқаради. Шунингдек, репродуктив аъзоларнинг шаклланиш даврида ҳам фосфорли озиклантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу даврдаги фосфор танқислиги ривожланиши тўхтатиб, ҳосил етилишини секинлаштирилади, ҳосилдорликнинг камайишига ва ҳосил сифатининг ёмонлашишига олиб келади.

Фосфор танқислигида ўсимликлар ўсиши тезда қисқариб,

уларнинг барглари (аввал четидан, сўнгра бутун юзаси бўйлаб) қуранг-яшил ёки қизғиш-бинафша тус олади. Донли экинларда тупланиш ва дон пояларининг ҳосил бўлиши камайд.

КАЛИЙ (K)

Калий ўсимликнинг асосий ривожланиш жараёнларининг бошқарувида қатнашиб, улар ҳаётида муҳим вазифаларни бажаради. Шу жумладан, ферментлар фаолиятини оширади, фотосинтез жараёнида иштирок этади, ўсимликдаги сув балансини бошқаради, ўсимликларнинг стрессларга, жумладан, совуққа, қурғоқчиликка, пестицидларга ва касалликларга чидамлилигини оширади.

Ўсимликларга таъсири. Калий ўсимликларда турли физиологик функцияларни бажаради. У цитоплазма каллоидларининг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг сувланишини кўпайтиради, бўртиши ва ёпишқоқлигини оширади, бу эса хужайралардаги моддалар алмашинувини яхшилашга ҳамда ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширишга таъсир этади.

Калий танқислиги айрим метаболик жараёнларнинг бузилишига олиб келади, натижада ҳосилдорликнинг камайиши ва сифатнинг пасайиши юзага келади. Калий ўсимликларнинг совуққа чидамлилигини, хужайралардаги осматик босимнинг кўпайиши ва улар таркибига шаклланган кўтарилиши ҳисобига оширади. Калий калий билан етарли озиклантирилса, касалликларга бардошлилиги, масалан, донли ўсимликларда "мучнистая роса" ва занг касалликларига, сабзавотлар ва картошкада могор кўзгатувиликка қаршилиги ошади.

Калий пояларнинг мустаҳкамлигини, ўсимликнинг ётиб қолишга чидамлилигини, зиғир ва каноп толаси миқдори ва сифатини оширади.

ОЛТИНГУГУРТ (S)

Олтингургурт ўсимликлар ҳаётида муҳим ўрин тутайди. Унинг асосий қисми ўсимлик оқсилларида мавжуд: аминокислоталар ва органик бирлашмалар – ферментлар, витаминлар, ёлғар таркибига киради. Олтингургурт ўсимликлардаги азот ва углеводлар алмашинувида, нафас олиш ва ёлғарни синтез қилишда иштирок этади.

Физиологик аҳамияти бўйича олтингургуртнинг азот ва фосфордан кейинги ўринга қўйса бўлади. Бир қатор россиялик ва чет эллик олимларнинг маълумотига кўра, донли экинларда кўпинча учрайдиган олтингургурт танқислиги ишлаб чиқарувчилар томонидан азот танқислиги сифатида қабул қилинади. Олтингургурт маҳсулотнинг сифатида қабул қилинади экан. Олтингургурт маҳсулотнинг сифатида ижобий таъсир кўрсатади. Буғдойдаги клейковина фоизининг орттишига кўмак бўлади, кунгабоқар ва соядаги ёғ миқдорини кўпайтиради.

Олтингургурт танқислиги. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ёмонлашиб, узун шоҳларда майда, оч сариқ тусли барглр ҳосил бўлади. Буғдойдаги тажрибалардан маълумки, вегетация давридаги олтингургурт танқислиги фотосинтез, ҳосилдорлик ва дон сифати камайишини келтириб чиқаради.

Олтингургурт кўп бўлса, барглр четидан сарғайиб бориб, ички томонига ўралиб қолади, сўнгра тўқ тус ранг олиб, ривожланмайди.

Маҳсулот сертификатланган.

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS



MAXAM-CHIRCHIQ

ТАРКИБИДА: 17% АЗОТ, 11% ФОСФОР, 9% КАЛИЙ, 13% ОЛТИНГУГУРТ МАВЖУД



NPKS экишдан олдин иссиқхона ва очик ерга сепиш, уруғларга экиш олдида ишлов бериш учун ишлатилади.



Сувда эрувчан, хлорсиз, мураккаб ўғит NPKS таркибида азот, фосфор, калий ва олтингургурт каби асосий озик моддалар мавжуд.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Маҳсулот сертификатланган

Манзил:
Тошкент вилояти
Чирчиқ шаҳри
Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: +998 (7071) 5-25-20,
5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79,
6-55-46, 6-45-57.

➤ **Реклама**

“ЗАМОНАВИЙ КУЛЬТИВАТОР”ЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА Далварзин таъмирлаш заводида ишлаб чиқарилган



АФЗАЛЛИГИ:

- ▶ 3 нуқтага тақилади.
- ▶ Қатор оралиғи 60 см.дан 90 см.

ОРГАНЛАРНИ:

- ▶ Чуқурлиги, ерга ботиш кучи,
- ▶ ўсимликдан қочириш тез амалга оширилади.

БИРВАҚТДА:

- ▶ Култивациялаш;
- ▶ Суяқлик пуркаш;
- ▶ Минерал ўғит солиш;
- ▶ Чуқур юмшатиш ишларини бажаради.



Маҳсулот сертификатланган.



Мурожаат учун тел.: (93) 549-15-15, (98) 121-18-07. E-mail: gazgtz@mail.ru

➤ **Эълонлар**

Тошкент ш. Мирзо Улугбек т. ДХМ томонидан 2012 йил 17 февралда 003803 реестр рақам билан рўйхатга олинган "LUXE TRANS CAPITAL" МЧЖ (СТИР 302209947) ўз устав фондини 1 408 000 000 сўмдан 558 000 000 сўмга камайитирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. 2-Тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Қадирова Дилноза Ахмедовна номига берилган К 8499379 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1993 йил 2 апрелда Қадиров Примқул номига берилган 11-02/4499 рақамли Давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ALLGREEN LIFE" МЧЖ (СТИР 306534422) устав жағғармаси 2 510 898 500 сўм 00 тийиндан 2 410 898 500 сўм 00 тийинга камайитирилатганини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Асалобод 2-мавзе 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСАЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибига ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати: Жамшид Хўжаев, Шавкат Ҳамроев, Шухрат Тешаев, Муҳаммадҷон Тошболтаев, Актам Ҳайтов, Ботир Сулаймонов, Маҳмуд Тоир, Ҳабиб Темиров (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул Суяров (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс Юсупов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Өфсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-147. 3 398 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti.uz Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45